

ТУРЛИ ТАРКИБЛИ АРАЛАШМАЛАРДАН ОЛИНГАН ИПЛАРНИНГ НОТЕКИСЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Исаев Хамид
доцент

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Танибердиев Фаррух Рустамович
таянч докторант

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Хамраева Сановар Атоевна
профессор

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: ушбу мақолада Бухоро шаҳридаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли “Бухоро ўқув ишлаб чиқариши корхонаси”да 100% пахта толасидан, 40% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 60% пахта толаси аралашмасидан, 50% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 50% пахта толаси аралашмасидан, 60% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 40% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари аниқланди.

Калит сўзлари: ипларнинг нотекислиги, вариация коэффиценти, 1 т даги вариация коэффиценти, 10 т даги вариация коэффиценти, ипнинг тукдорлиги, тукдорлиги бўйича вариация коэффиценти

ИЗМЕНЕНИЕ НЕРОВНОТА ПРЯЖИ РАЗЛИЧНЫХ СОСТАВОВ

Исаев Хамид
доцент

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Танибердиев Фаррух Рустамович
докторант

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Хамраева Сановар Атоевна
профессор

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация: В данной статье в Бухарском учебно-производственном предприятии общества слепых Узбекистана в г. Бухаре используется 100% хлопковое волокно, 40% растительное волокно рогоза и 60% смесь хлопкового волокна, 50% растительное волокно рогоза и 50% смесь хлопкового волокна, 60% растительное волокно рогоза и 40% смесь хлопкового волокна и определены неровнота пряжи.

Ключевые слова: неравномерность пряжи, коэффициент вариации, коэффициент вариации на 1 м, коэффициент вариации на 10 м, опущенности пряжи, коэффициент вариации по опущенности пряжи

CHANGING THE IRREGULARITY OF YARN OF DIFFERENT COMPOSITIONS

Isaev Xamid

Docent

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Taniberdiev Farrukh Rustamovich

doctoral student

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Xamraeva Sanovar Atoevna

professor

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract: *In this article, 100% cotton fiber, 40% plant fiber of cattail and 60% mixture of cotton fiber, 50% plant fiber of cattail and 50% mixture of cotton fiber, 60% plant fiber are used in the Bukhara educational and production enterprise of the Society of the Blind of Uzbekistan in Bukhara cattail and 40% cotton fiber blend and identified uneven yarn.*

Keywords: *yarn irregularity, coefficient of variation, coefficient of variation per 1 m, coefficient of variation per 10 m, yarn omissions, coefficient of variation by yarn omission*

Толалар таркибидаги нуқсон ва чиқиндилар миқдори йигириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Агар тола пахта тозалаш корхоналарида нуқсонлардан яхши тозаланмаса, ундан сифатсиз ип олишга имконият яратилади. Шунинг учун, биринчи навбатда пахта толасини нуқсонлардан тозалашда катта аҳамият бериш керак бўлади. Агар пахта толаси таркибида нуқсонлар миқдори қанчалик кўп бўлса, ипнинг тозалик синфи пасаяди.

Тола таркибидаги нуқсон ва ифлосликлар миқдори қанчалик кўп бўлса, йигиришдаги технологик жараённинг ишлашини қийинлаштиради, ипларнинг чиқишини камайтиради ва маҳсулотнинг таннархини оширади. Ундан ташқари, нуқсонли иплардан олинаётган газлама, трикотаж ва бошқа маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатади.

Йигириш ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг нуқсонларини назорат қилиш, ҳамда синаш ва уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини аниқлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Ипларнинг нуқсонлари ишлаб чиқариш жараёнидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларга ва йигириш, тўқувчилик маҳсулотларининг физик-механик хоссаларига катта таъсир этади. Йиғирилган ип ва ипларда нуқсонлар ҳосил бўлишига асосий сабаб, паст сифатли ва ифлос хом ашёдан фойдаланиш, механизмларнинг носозлиги ва машиналарнинг яхши тутилмаганлигидир.


Ундан ташқари, ипларнинг нотекистик кўрсаткичлари ва нуқсонлар миқдорининг ортиб кетишига асосий сабаб, бу турли толалар аралашмасидан фойдаланишдир. Ип таркибига аралаштирилган рогоза ўсимлигидан олинган тола биринчи марта ип олиш жараёнида қўллаб кўрилмоқда. Ип олиш

жараёнидан рогоза ўсимлигидан олинган толадан 60% максимал миқдорда аралаштириб кўрилди.

Ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари ва нуқсонлар миқдорини аниқлаш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Унинг учун, турли таркибли аралашмалардан иборат ипларнинг сифат кўрсаткичлари Uster асбобида аниқланди ва олинган синов натижалари 1-3-расмларда келтирилди.



1-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг нотекислик кўрсаткичи ва вариация коэффицентининг ўзгариши.



2-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг 1 м ва 10 м даги вариация коэффицентининг ўзгариши.



3-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг туқдорлиги ва туқдорлиги бўйича квадратик нотекислигининг ўзгариши.

Олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлилини қиладиган бўлсак, 100% пахта толасидан олинган ипларнинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, 40% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 60% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислиги 11,2% га, вариация коэффиценти 14,8% га, 1 m даги вариация коэффиценти 24,8% га, 10 m даги вариация коэффиценти 19,4% га ошди, ипнинг туқдорлиги 16,8% га, туқдорлиги бўйича вариация коэффиценти 12,1% га камайди, 50% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 50% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислиги 7,8% га, вариация коэффиценти 12,7% га, 1 m даги вариация коэффиценти 24,8% га, 10 m даги вариация коэффиценти 23,4% га ошди, ипнинг туқдорлиги 24,9% га, туқдорлиги бўйича вариация коэффиценти 27,4% га камайди, 60% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 40% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислиги 15,2% га, вариация коэффиценти 13,2% га, 1 m даги вариация коэффиценти 54,2% га, 10 m даги вариация коэффиценти 59,9% га, ипнинг туқдорлиги 5,6% га, туқдорлиги бўйича вариация коэффиценти 7,7% га камайди.

Тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, ип таркибида рогоза ўсимлигидан олинган толалар миқдорининг ортиши натижасида, ипларнинг нотекислиги 15,2% га, вариация коэффиценти 13,2% га, 1 m даги вариация коэффиценти 54,2% га, 10 m даги вариация коэффиценти 59,9% га, ипнинг туқдорлиги 5,6% га, туқдорлиги бўйича вариация коэффиценти 7,7% га камайганлиги аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. С.А.Хамраева, Д.Т.Назарова, Ф.Р.Тангрибердиев “Оценка показатели качества натуральных смешанных волокон” / “International scientific conference “global science and innovations 2019: central asia” astana, kazakhstan, march 2019. 281-283 б.

2. Salokhiddin Mardonov, Sanovar Khamraeva, Kodir Muminov, Khakim Rakhimov, Elyor Kuldoshev. Analysis of quality indicators of sizing warp threads // International Journal of Advanced Science and Technology. – USA, Vol. 4. 2020. – P. 4957-4968. (01.00.00; №3, Scopus).

3. Хамраева С.А. Равновесия нити на поверхности ткани //Текстильная промышленность. - М., 2007. -№6. -С.55-54.

4. Хамраева С.А. Аналитический расчёт движения прокладчика утка //Текстильная промышленность. -М., 2007.-№6. -С.50-52.